**Абдурауф Фитрат. Бухорода инкилоб (1918)**

Муаллиф:
13.03.2014 23:55 -

«Дунё хаводис[1] ўчогидир» демишлар, тўгри бир сўз.

Йигирма саккиз(инчи) февралда Русияда хуррият бўлди, императўр Николай тахтдан тушурилди. Кўнсул Миллер Когондан Бухорога кируб, «Наминор» хавлисида ўтурди.

Халк огзинда янгигина бир сўз тушуб колди: «Бухорода хуррият бўлар экан. Муни ёшларнинг билаги билан рус кўнсулхонаси кила(р) экан».

Кўнсул Миллер Бухоронинг баъзи жамоаларидан баъзи одамларни ёнига киргузиб гапурди.

Шул чогларида козикалон Бурхониддин билан раис Абдуллоххўжа Садур[2] ва муфти Аскар Маснаф[3] махдум катл этилдилар. Бунларнинг ўрнинда Мухаммад Шариф махдум козикалон ва Абдулсамад махдум раис бўлдилар. Бу ходиса Бухоро халкининг кизгин бир хаяжоинига сабаб бўлди.

Апрелнинг еттисинда амиримиз бир баённома чикордилар. Апрел саккизида Бухоро ёшлари бойдок[4] чикориб муборакбод килдилар. Муллалардан бир жамоа чикиб шул бойдок чикорганларни кофир деб ўлдурмокчи бўлдилар. Хукумат ёшларнинг бирини[5] тутуб етмиш беш таёк урди.

Апрел тўккузда кушбеги одамлари ёшларнинг уйларини босдилар. Топганларини кетуруб «обхона» деган рутубатли бир махбусда камадилар ва иккитасини яна хукумат амри билан етмиш беш таёкдан урдилар. Ёшлар кочиб Когонга чикдилар. Абдулхамидхон раисликдан тушди. Маснаф махдум раис бўлуб келди. Самарканддан рус солдатлари келиб обхонадаги ёшларни куткорди.

Мана шунлар бир-икки хафта орасинда бўлуб ўтган ходисалар. Хар бири — бир маъно! Мен аник биламанким, шул ишларнинг хакикат хикматларидан руслар билан ёшлар ва Бухоро бекларидан бошка кимса хабардор бўлмади. Бухоро халки на муллабаччалари, на сахройилари, на косиблари бу коронгу вокеалардан бирор нарса онглаёлмадилар.

Тўгридир: хар ёнга югурдилар, истамаймиз, «ўлдирамиз, газо[6] киламиз» дедилар.

Нимани истамадилар, кимни ўлдурмокчи бўлдилар, кимнинг газосига чикдилар? Бунларни онглаганлари йўк!.. Мана бул рисолани[7] шунларни онглатмок учун кўлимга олдим. Негаким, тилагим хакикатни халкга онглатмокдир.

Хакикатни бутун очиб онглата билмак учун бул рисолани уч бўлакка тартиб этдим:

1. Бухоронинг холи.

2. Фитна соатлари.

3. Ёшларнинг тилаклари.

Иликотимиздаги[8] ишларнинг буюкроги, албатта, экинчилик, яъни дехконликдир. Биз бу ерда хукуматимиз билан дехконлар орасиндаги ишларни арз киламиз. Бухоронинг дехкончилик ерлари тўрт турлидир. Амлок[9], мулки хур[10], вакф[11]. Бухоро ерларининг тўртдан бири мулки хур билан вакф бўлса, бошкаси амлок билан мулки хирожий[12]дир.

Мана Бухорода шул амлокни нечук олалар: Бухоро хукумати Бухоро теваракиндаги туманларнинг амлокини олмак учун амлокдорлар тайин киладилар. Аммо вилоятларнинг амлокларини бекордан оладилар. Хар вилоятнинг беги ўз вилоятига амлокдорлар кўядир. Хар амлокдорнинг неча оти, сайиси[13] ва хизматкори бордир. Бутун шунларнинг мухаррифлари[14] бечора дехконларнинг устинадир. Амлокдорлар Бухоро ерларини икки турли истифо[15] килалар. Биринчиси «хасбар»[16], иккинчиси «хирман». Туманлар, Чахоржўй, Кармина, Хатирчи, Миёнкал ерларини «хасбар» тарики билан истифо килалар. Бухоронинг бошка вилоятлари хирман тарики билан истифо килинадилар. Бу тарикларнинг иккиси дахи ямондир. Иккисига хам золим ва инсофсизлик кўб бўладир.

Хасбар тарики шудир: экин етишгандан кейин амлокдор ўз одамлари билан бало кўшуни каби истифога чикадир. Кечалар навбат билан дехконларнинг уйларига кўнуб, кундузлар истифо киладир. Хануз хирман килмаган устига келиб хеч бир нарсани билмаган йўлдошлари билан тахмин килуб бир нарса ёзадир.

Хирман килинмаган, бичилмаган экинларнинг канча чикорини билмак албатта куч: мундай тахминлар хеч тўгри чикмайдир. Ё амлокдорларнинг ва ё дехконларнинг хаки албатта кетадир, лекин бизнинг амлокдорлар ўз хакларини бошкага ўткармайлар, балки дехконнинг хакига жавр киларга тиришалар. Бечоранинг ўн ботмонлик экинини йигирма ботмон тахмин килуб дафтарда ёзалар.

Хирман истифоси шудирким, дехкон экинини бичиб, хуббидан[17] чикориб хирман киладир ва амлокдор жанобларини кутиб турадир. Амлокдор келмагунча бола-чакаси очликдан ўлса хам мехнат килиб етиштирган хосилиндан озгина ололмайдирлар. Олсачи, боши балода коладир икки чорак олса, амлокдор хабар олиб келадир ва бечорани ёгочларга осиб камчинлар билан уруб, уч-тўрт ботмоннинг окчасини оладир. Истифо замони келгач, амлокдор жаноблари одамлари билан чикиб юкорида ёзганимиз каби хирманлар орасинда кезиб, тахмин килиб дафтарларда ёзадир.

Амлокдорлар тахмин килиб ёздиклари хосиллардан бошлик хакини шул чогда олмайлар, ёлгуз тахмин килиб кеталар. Дехкон хирманини кўтарадир, масалан, бугдойни элтиб, арзонлик чогинда юз тангадан сотадир. Вактлар ўтуб бугдой юз элли(к) тангага чикгандан кейин амлокдор бошлик хакини талаб киладир. Ул вакт бечора дехконларидан юз элли(к) тангадан пул оладир.

Энди бир дехконни кўзимиз олдинда кетуриб шу ишларни унинг устинда юритайлик, кўрайлик нима бўлар. Масалан, Турсун отли бир дехконнинг тўрт танобгина ери бор, кеча уйкусизликлари, кун очликлари орасинда югуруб, чопиб, иссик-совук демай, кўш

боглар, хирман совурар, ўн ботмонгина бугдойни хирман килиб хозирлаб кўяр, лекин бола-чакалари очликдан ўлса хам амлокдор бек келмагунча шунча мехнат билан хосил бўлган бугдойиндан бир ховуч ололмас.

Олса, бир ховуч еринда бир ботмон бугдойни йигирма ботмон тахмин киларлар. Кафсан, от еми, мирзоёна[18] — нималар дебон бир ботмонча бугдойни олиб кетарлар. Бечора Турсун колган тўккиз ботмон бугдойни кўтарадир. Бозорга элтиб, юз тангадан тўккиз юз тангага сотадир. Хафта, ойлар ўтуб бугдой нархи 150 тангага чикгач, амлокдор бек хакларини талаб килалар ва Турсунбойни йигирма ботмон бугдойнинг учдан бири бўлган олти ярим ботмон бугдой учун бозор нархи юз элли(к) тангадан тўккуз юз етмиш беш танга оларлар. Мана бозорга бечора Турсун бир йиллик мехнат килиб чикардиги бугдойдан етмиш беш танга зарар тортиб чикадир.

Лекин иш шунча битдими? Йўк, яна бир буюк масъата колди: Турсун-ку ўз бугдойининг пулларини неча ойдан еб битирган эди. Амлокдорга бу тўккуз юз етмиш беш тангани каердан топиб берди? Хиндилардан, яхудийлардан ё хинди табиат мусулмонлардан фойдага кўтариб берадир. Бизнинг дехконларимизнинг уйини куйдирган кайдадир? (Муни кейинрокда арз киламан.) Эмди кўрайлук, кани, бу хукумат билан шу амлокдор беклар ким, бечора дехкондан имкони(ча) мехнат килиб, чикардиги хосилни бутун оларлар, бирор кун, бирор йўл билан шу дехконнинг бирор ишига кўмак килурми? Албатта, йўк.

Хатто бутун кўлимиздан тортиб олдиклари экинларнинг суйини хам кетуруб бермайдир. Шунинг учун хам дехконнинг уйини куйдирадилар.

Йилда бир дафъа арикдарни казмок керакки, бу ишни бухоролилар «хашар» дейлар. Арикдан сув ичатурган бутун дехконлар йилнинг олти ойинда шул хашар учун кунда бир мардикор (ишчи) бергулидир. Бера олмасалар бир мардикорнинг кундалик окчасини хукуматга бергулари лозимдир. Мухорабадан[19] бурун бир мардикорнинг кундалиги 10 танга эди, аммо шу кунларда кирктанга (олти сўм). Ўн таноб ери бўлган бечора бир дехкон хар йилнинг олти ойинда ё бир мардикор тутиб хашарга берадир ва ё шу мардикоркинг олти ойлик окчасини хукуматга берадир, бошка чораси йўкдир. Бир мардикорнинг шу кунларда олти ойлиги 7200 тангадир. Аммо илгари 1800 танга бўла(р) эдики, бу хам бечораларга оз окча эмасдир.

Тухумга[20], хўкузга, от аробага пул берган бечора дехкон хар йил хашар учун мунча окчани каердан топиб берадир?

Олдиги хосилданми? Уни-ку амлокдор олиб кетди, бечора дехкон бу окчани хиндилардан фойдага кўтариб берадир. Бундан бошка пойтахтнинг атрофиндаки ерларга сувни адолат юзасиндан бўлиб бермак учун бир мироб (яъни сув беги) бор, бу одам сувни таксим килиб бермак еринда кўнугини (навбатини) дехконларга сотиб турадир. Сув беги жанобларига йилда бир неча дафъа окча бермаган дехконлар сув ичолмайлар.

ЗАКОТ

Бухоро хонлигинда икки турли закот бор: биринчиси мол закоти. Шаръий бўйинча хар мусулмон ўз окчасига йилда бир дафъа закот берадир. Лекин Бухоро савдогарлари ўз окчаларига йилда беш-олти, хатто ўн дафъа закот beралар: масалан, бир савдогар Бухородан йигирма минг тангалик мол олиб, Каршига элтиб сотса, бир закот берар. Яна у ердан шу окчага мол олиб Бухорога келса, бир закот берар. Ва яна Бухородан шу окчага мол олиб Каршига кайтса, бир закот берар. Шундайин ўн йўла кетиб, келса ўн йўла закот оларлар. Бунинг зарари ёлгуз савдогарнинг ўзинда бўлса сўз йўк эди. Чунки савдогардир, бойдир, озгина кўброк окчаси кетса хам зарар килмайдир. Лекин у савдогар бу ортук ердаги закотларни мол устига кўйиб сотадир. Демак, бундан хам кашшоклар хам дехконлар зарар торталар.

Иккинчи закот — качи закотидир[21]; кўй билан качидан олинадир. Кўй билан качининг закоти хакикатан киркдан бир бўлса хам, саррофона, котибона[22] ва, билмасам, нималар деб йигирмадан бирга тушуриб кўялар. Бунлардан бошка чакана закоти[23] деб нисобга эришмаган кўйлардан шариатга махоликзакот олалар. Закоти олинган кўйлар ва качиларнинг таниндаки йўниндан[24] дахи закот олмокдари кўб буюк масхаралик эмасми?

Закотда зулмларнинг каттароги шулким: кўй ва качи закотини дафтар юзиндан оларлар. Масалан, ўтган йили маним кирк кўйим бор эди. Келиб дафтарда ёзиб закотини олиб кетдилар. Сўнгра маним кўйларим ўлди ёинки сотиб битирдим. Бу йил бирта хам кўйим йўкдир. Лекин закотчи бек келгач, дафтарни очиб кўралар, ким, маним отимда кирк кўй ёзилган; иши битди, мендан бир закот олиб кеталар. Кўйим йўкдесам онинг дафтарида бор деярлар «бор эди, лекин сотиб битирдим» десам тингламайлар. «Йўк, бермайман» десам уриб, осиб ола(р)лар[25].

(«Хуррият», 1918 йил, 69—72, 75-сонлар)

[1] хаводис — ходисалар.

[2] раис Абдуллоххўжа Садур - вакф ва дин ишлари билан шугулланувчи амалдор Бухоро хонлигида раис деб юритилган, у кўпинча садрлардан бўлгани учун, колаверса, бу мансаб диний ишлар билан боглик бўлгани учун садр ва эшонлар кўйилган. Абдуллоххўжа эса, Фитрат бошлик жадидчиларнинг талаби билан амирнинг буйругига кўра катл килинган эди (бу хакда Фитратнинг аввалги маколаларида хам сўз юритилади).

[3] муфти Аскар Маснаф - шариат масалаларини талкин килувчи ва шул хакда хукм чикарувчи Бухоронинг юксак лавозимдаги шахсларидан. Козикалон Бурхониддин билан бирга бу лавозимдаги кишилар хам катл килинган эди. Бу хакда каранг: Фитрат. Бухоро уламоси, «Хуррият», 1917, 48-сон.

[4] Бойдок – намойиш.

[5] Бу шахс Ф. Хўжаевнинг шаходатига кўра (Ф. Хўжаев. Асарлар, I жилд, Тошкент, 1976, 118-бет) Мирза Насрулла эди. 17 мартда амир чикарган манифест муносабати билан намойиш ўтказилган бўлиб, бу намойиш иштирокчиларидан, яъни ёш бухоролиларнинг фаолларидан бир нечасини Амир «обхона»га каматган эди. Калтакланган Насрулла эртасигаёк вафот этади. Маколанинг куйирогида Фитрат яна икки киши калтакланганини ёзади. Улар С. Айний ва Мирбобо эдилар. Камокдан улар билан бирга Отахўжаев ва Юсуфзодалар хам озод этилади.

[6] «Газо» - мусулмонларнинг ялпи уруши, мазлумларнинт золимларга карши урушидир. Бу ерда: камбагал мусулмонларнинг ўз душманларига карши уруши назарда тутилади.

[7] «Рисолани... кўлимга олдим» - Таассуфки, бу рисола охиригача етмаган. «Бухоронинг холи» деб номланган биринчи кисмдан айрим маколалар чоп этилди, холос. «Фитна соатлари» деб номланган иккинчи, «Ёшларнинг тилаклари» деб номланган учинчи кисм эса, кейин хеч каерда эълон этилмаган. Бизнингча, у ёзилмай колиб кетган.

[8] Иликот – кўлимиздаги; бу ерда: кундалик маъносида.

[9] Амлок – бу ерда: амлок – мулуклар, яъни давлат томонидан солик олинадиган махсус руйхатдаги ерлар.

[10] мулки хур – озод ерлар, яъни соликолинмайдиган ерлар.

[11] Вакф – мулкдорлар томонидан диний муассаса, масжид ёки мадраса тасарруфига берилган ерлар. Унда ишлаб, кўрган фойдалари айни муассасалар учун сарф бўлади. Вакф ерларини сотиш ёки бировга хатлаб бериб юбориш манъ килинади.

[12] Хирож – ердан олинадиган солик, бу ерда: мулки хирожий – солик талаб этиладиган ерлар.

[13] Сайис – иш юритувчи.

[14] Мухарриф – сарф-харажат.

[15] истифода — фойдаланмок.

[16] Хасбар – хос (махсус) ва бар (самара, натижа) сўзларидан хосил килинган бу тушунча солик ундиришнинг бир усули бўлиб, бунда хосил битмай туриб (кечаси ё кундуз тўсатдан) ерлардан олинадиган хосил тахмин килиниб, ёзиб кетилади. Мана шу тахмин бўйича Бухоро дехконларининг ерларидан солик ундирилган.

[17] Хубб – севиш, мухаббат билан, бу ерда: (хуббидан чикариб – кўнгилдан чикариб, астойдил, мухаббат билан маъноларида.)

[18] Кафсан, от еми, мирзаёна – кафсан махаллий туман маъмурияти учун (туман бошликларининг идоравий сарфи учуи) олинадиган солик; от еми – амир сарбозларининг

отлари учун деган бахона билан олинадиган дон солиги; махаллий хокимиятдаги хат, хужжат ишлари деб олинадиган солик мирзаёнадир.

[19] мухораба — уруш, бу ерда: Биринчи жахон уруши назарда тутилади.

[20] тухум — уруг, бу ерда: уруглик маъносида.

[21] качи закоти — кўй, эчки каби чорва молларидан келадиган фойданинг киркдан бири микдорида олинадиган солик. Бу ерда: «качи-кичи — эчки» маъноларида ишлатилади (шевага оид сўз).

[22] сарфона, котибона — сарф-харажатлар учун, котиблар учун деган бахоналар билан киркдан бир эмас, балки йигирмадан бир микдоридан олинадиган закот.

[23] чакана закоти — нисобга (хисса, микдор, бу ерда: хисобга кўшилмаган маъносида) эришмаган уй хайвонларидан олинадиган солик. Масалан, хисоблаш пайтида бу кўй ва эчкилар йўк бўлиб, улар рўйхатга олишдан кейин тугилган. Улар учун чакана закот олинган.

[24] таниндаки (танидан) йўниндан (йўсининдан) — закот олинган уй хайвонларининг танидан (хисобидан) яна закот олиш (худди савдогарлардан бир неча бор закот олингани каби).

[25] Макола тугалланмаган эканини юкорида айтилди (буни ушбу фикрнинг тугалланмаганидан хам билса бўлади).